

Фазлиддин СУВОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мустақил тадқиқотчиси

АБУ ЖАЪФАР ТАҲОВИЙ ВА МИСР ИЛМИЙ МУҲИТИ

Абу Жаъфар Таҳовий ислом дунёсида Аҳадис, фикҳ ва калом илми бўйича фаолият олиб борган йирик олимлардан ҳисобланади. Унинг фаолияти Аббосийлар халифалигига тўғри келади. Таъкидлаш лозимки, бу даврда Мисрда ўзига хос бир муҳит шаклланган эди. Яъни, ҳижрий III аср бошига келиб Миср муҳим илмий марказлардан бирига айланган ва бу ерда ўз даврининг кўзга кўринган йирик олимлари фаолият олиб борган.

Ушбу диёрда Шофиъий ва Моликий мазҳабларини, ҳадис ва у билан боғлиқ илмларни, хусусан, ривоятларни ўрганиш мақсадида бошқа мамлакатлардан толиби илмлар келганлар. Натижада, Мисрда турли ўлкалардан келган зиёлилар, олимлар фаолияти таъсирида илмий-маънавий муҳит ўзгара бошлади, мадраса, масжидларда ислом илмлари бўйича турли дарс халқалари ташкил қилинади. Абу Жаъфар Таҳовий айнан мана шу даврда яшаб ижод қилди.

Имом Таҳовийнинг тўлиқ исми Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ибн Абдулмалик ибн Салама ибн Сулаймон ибн Ҳомид Аздий Таҳовий. Таҳовий “Таҳо” кишлоғига нисбат берилган бўлиб, бу Нил дарёси ғарбий соҳилида жойлашган қишлоқлардан бирidir. Олимнинг туғилган йили борасида турли фикрлар мавжуд. Аллома Кураший (ваф. 775/1374 й.) “Жавҳароту-л-музийя”да 227/842 йил, Ибн Халликон (ваф. 681/1282 й.) “Вафаяту-л-баён”да 238/853 йил, деб кўрсатганлар.

Мисрдаги илмий-маънавий муҳит аста-секин ривожланиб, ўша даврдаги йирик илмий марказ

ҳисобланган Бағдод билан беллаша оладиган даражага етади. Шунингдек, Миср илмий-маърифий муҳити Ҳижоз, Шом, Ироқ, Форс, Андалус ва бошқа илмий марказлар орасида ўзига хослиги билан ажралиб турар эди. Ўзтиборли жиҳати шундаки, бу ерда кенг қамровли ислом илмлари билан бир қаторда, ўз даврининг мавжуд бошқа соҳалари ҳам ривожланган ҳамда ўз даврининг етук олимлари етишиб чиққан. Жумладан, тилшуносликда Абулаббос Аҳмаб ибн Муҳаммад ибн Валид Тамимий Мисрий (ваф. 232/847 й.), Абу Жаъфар Нуххос (ваф. 338/852 й.), тарих соҳасида Ибн Абдулҳакам номи ила машҳур бўлган Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам (ваф. 257/871 й.), Муҳаммад ибн Юсуф Киндий (ваф. 283/896 й.) кабиларни келтириш мумкин. Миср ва Бағдод орасида ижобий илмий ҳамкорлик юзага келган ва бунинг натижасида ҳар иккала марказнинг илмий мавқеи кенгайган.

Мисрдаги илмий-маърифий муҳит бу ўлкада илм-фаннинг ривожланишига замин яратди. Бунинг натижаси ўлароқ Мисрда дастлабки мадрасалар пайдо бўла бошлади. Айнан мана шу мадрасаларда маҳаллий олимлар билан бирга Мисрга турли мамлакатлардан илм истагида келган хорижликлар ҳам таълим бера бошлаган. Табиийки, дастлабки босқичда мадрасалар бошланғич таълим масканлари сифатида шаклланиб, уларда жуда содда таълим услубларидан фойдаланилган. Кейинчалик, мадрасалар такомиллашган, таълим тизими мураккаблашиб, мударрисларнинг салоҳияти орта бошлаган. Мусулмон дунёсининг таъсири остида ушбу таълим муассасалари кучли илмий мутахассисларни жамлаган. Таълим масканлари мударрислари турли фанлар қатори Қуръон, тафсир, ундан ҳукмларни чиқариб олиш, ҳадис ривояти, саҳобаларнинг ижмо ва фатволари, араб хабарлари ва ислом тарихи каби илмларни ҳам ўргатганлар.

Манбаларда Абу Жаъфар Таҳовий ўз замонасининг етук уламолари ва улар қолдирган бой илмий меросдан баҳраманд бўлган ҳолда таълим олган. Жумладан, буюк олимлар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Исмоил Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож Найсобурий, Абу Абдуррахмон Аҳмад Насоий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мажаларнинг асарларидан ҳадис илмини ўрганган ҳамда уларга ҳадис ривоят қилишда шерик бўлган. Чунки, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Исмоил Бухорий вафот этганда Таҳовий 17 ёшда, Муслим ибн Ҳажжож Найсобурий вафот этганда 22 ёшда, Абу Абдуллоҳ

Муҳаммад ибн Можа вафот этганда 34 ёшда, Абу Исо Муҳаммад Термизий вафот этганда 40 ёшда ва Абу Абдуллаҳмон Аҳмад Насоий вафот этганда 64 ёшда бўлган. Демак, Абу Жаъфар Таҳовий “Сихоҳи ситта” муаллифлари маънавий меросидан баҳраманд бўлиб улғайган.

Шу даврга келиб ҳадисларнинг матнларига алоҳида эътибор қаратилиб, матнларнинг жамланиши такомил даражага чиққан эди. Бу даврда жарҳ ва таъдил илмига ҳам катта эътибор қаратилган. Мазкур илм имомлардан ривоят қилинадиган илм бўлганлиги боис, кейинги давр олимлари ўз маълумотларини шогирдларига оғзаки тарзда етказганлар. Бу илмнинг тадвини ҳадис ровийлари томонидан амалга оширилган бўлиб, улар қаторига Яҳё ибн Маъийн (ваф. 233/838), “Табақот” асарининг соҳиби Муҳаммад ибн Саъд (ваф. 230/845), Имом Бухорийнинг шайхи Али ибн Маданий (ваф. 234/849), Имом Бухорий (ваф. 256/870), Имом Муслим (ваф. 261/875), Абу Зуръа Розий (ваф. 264/878), Абу Ҳотам Розий (ваф. 277/891), Абу Довуд Сижистоний (ваф. 275/889) ва бошқа шу каби алломаларни келтириш мумкин. Абу Жаъфар Таҳовий ушбу йўналишда, шунингдек, ишончли олимлар ҳақида асарлар таълиф қилган.

Қайд этиш лозимки, суннийликдаги фикҳий мазҳабларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва такомиллашуви ҳам ушбу асрда содир бўлган. Ҳанбалий мазҳаби бу даврдан бир оз кейин пайдо бўлган. Шу сабабли, кейин пайдо бўлган мазҳаб қарашининг ёйилиши кийинроқ кечади ва бундай қарашга чақириқ ҳам оғир кечади. Манбаларда таъкидланганидек, Моликий ва Шофиъий мазҳаблари Мисрда кенг тарқалган ва ўз ўрнига эга бўлган. Аммо Ҳанафий мазҳаби то Таҳовий таваллуд топган даврга қадар, ҳаттоки, эсланадиган даражада ҳам бўлмаган. Бунга Миср аҳли ҳадис бўлиши билан бирга, Ироқ аҳлининг ҳадисдан кўра раъйни устун қўйиши сабаб бўлган.

Мисрнинг Ироқ билан боғлиқлигидан кўра, ҳаж ишлари сабабли Мадина билан алоқалари кўпроқ бўлган. Қолаверса, Миср фақиҳлари Ироққа сафар қилишда уларни ўзига жалб қиладиган ҳолатларни топмаганлар. Ўша даврда Ироқ диний илмлар, тил ва таржима борасида муҳим марказ бўлса-да, Мисрда ҳам Ироқ фақиҳларининг фикрларига суяниб қолишдан эҳтиёж йўқ даражада фикҳий ва ҳадисга оид илмларнинг тараққий этиши кузатилган эди. Хусусан, Мисрда Моликий ва Шофиъий мазҳаблари тарқалгандан кейин, мисрлик нахв олимлари диний илмларни олишда пешқадам

бўлганлар. Бу эса, мисрликларнинг диний илмларни Ироқ каби бошқа юртларга бориб эмас, ўз диёрида ўрганишга сабаб бўлган.

Шунга қарамасдан, манбаларда Мисрда Ҳанафий мазҳаби халифалик маркази томонидан тайинланган ироқлик қозилар томонидан ҳам кириб келгани қайд қилинади. Миср хижрий 164/781 санада Ҳанафийлик мазҳаби вакили Исмоил ибн Ясаъ Киндий номли биринчи қозини қабул қилади. У мисрликлар томонидан яхши кутиб олинади. Мисрликлар унда Абу Ҳанифанинг қавлига эргашишидан бошқа “айб” кўришмаган.

Мисрда Абу Ҳанифа мазҳабининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига ҳисса қўшган икки буюк олим – Баккор ибн Қутайба ва Абу Имронлар келтирилади. Улар Ҳанафий мазҳабининг ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган олимлардан бўлиб, бу ишда уларга илми, ҳулқи ва диёнати ёрдамчи бўлади. Улар олиб борган илмий ҳаракат натижаси ўлароқ Абу Жаъфар Таҳовийдек замонасининг улуг олими шахсияти етишиб чиқди.

Юқоридаги маълумотлардан шуни ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, Мисрдаги Таҳовий давригача бўлган Ҳанафий олимларнинг барчаси ҳам мисрлик бўлмаганлар. Улар Ироқдан Мисрда келган қозилар, тижоратчилар ёки Мисрни зиёрат қилиш учун ташриф буюрган кишилар бўлганлар. Алий ибн Маъбад ибн Шаддод, Алий ибн Маъбад ибн Нуҳ каби олимлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, имом Таҳовий яшаган даврда Миср илм марказига айланиб бўлган эди. Ислом оламининг турли ўлкаларидан илм талабида бўлганлар келиб, бу юрт олимларидан дарс олишарди. Эътиборли жиҳати шундаки, бунда нафақат толиби илмлар, балки кўзга кўринган олимлар ҳам билганларини бошқаларга етказиш, билмаганларини ўрганиш мақсадида бу ерга келишар эди.

Юқоридагилар билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, Мисрда бошқа соҳалар каби ҳадис илми ҳам гуллаб яшнаган. Зеро, бу аср ҳадис илми ривожланишининг “олтин даври”га тўғри келади. Айнан мана шу даврда ҳадис ҳофизлари, ривоят имомлари етишиб чиққан, “олти саҳиҳ” тўплами ёзилган. Ҳадис имомлари санадлар, жарҳ ва таъдил, рижоллар тарихи каби илмларга урғу берганлар. Бу давр мазҳабларнинг асослари, яъни фикҳий масалаларнинг далиллари асосланиши билан ўзига хос аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, Имом Таҳовий илмий меросининг аксарияти Ҳанафий мазҳаби далилларини исботлашга қаратилганлиги кўриш мумкин.